

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ

АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ

ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ

Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва бошқарув кафедраси

Иқтисодиёт таълим йўналишининг 4 босқич 2 гуруҳ талабаси
Ҳамдамов Ҳаётбекнинг

КУРС ИШИ

*Мавзу: Олтинкўл туманидаги «Машъал меҳриғиёси»
фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг
иқтисодий самарадорлигини ошириш.*

Қабул қилди: Абдуллаев Б

Андижон - 2013йил

***Мавзу: Олтинкўл туманидаги «Машъал меҳриғиёси»
фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг
иқтисодий самарадорлигини ошириш.***

Режа

Кириш

- 1. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигини ошириш нинг илмий-назарий асослари.*
- 2. Фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар*
- 3. Олтинкўл туманидаги Машъал меҳриғиёси фермер хўжалигининг табиий иқтисодий шароитлари ва ихтисослашуви.*
- 4. Олтинкўл туманидаги Машъал меҳриғиёси фермер хўжалигини эришилган иқтисодий*
- 5. Олтинкўл туманидаги «Машъал меҳриғиёси» фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш.*

Хулоса ва таклифлар

Фойдаланилган адабиётлар

Кириш

Фермер хўжалиги ривожланган мамлакатларнинг узок даврли тажрибасида ўзининг самарадорлиги, рақобатбардошлиги, бозор конъюнктурасига тез мослаша олиши каби хусусиятларини тўла намоён эта олди. Фермер хўжалиги қишлоқда хўжалик юритишнинг энг қулай ва самарали шакли бўлиб ҳисобланади. Шунга кўра, Ўзбекистонда ҳам фермер хўжаликларининг ривожланишига катта эътибор қаратилиб, улар фаолиятининг зарур иқтисодий шарт-шароитлари яратилди, меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Хусусий фермер хўжаликлари бугунги кунда ҳақли равишда қишлоқда этакчи бўғинга – қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи асосий кучга айланиб бормоқда.

Президентимиз ўз асарларида мамлакатимизда фермер хўжаликларини моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиялаш бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига тўла жавоб берадиган ишончли тизим ва механизмларни шакллантирилишига ва самарали фаолият кўрсатишига алоҳида эътибор бермоқда.

2011 йил якунига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг қарийиб 18% ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келади. фермер хўжаликларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг хал қилувчи омилга айланиб бормоқда. Фермер хўжаликларини иқтисодий самарадорлигининг яқунловчи асосий кўрсаткичи бўлиб, рентабеллик даражаси ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб фермер хўжаликлари фойда ҳажмини кескин оширилиши асосида рентабелликни камида 35 фоизга кўтарилишини таъминлашни чора-тадбирларини кўришлари лозим. Бу мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланишни, ишлаб чиқаришга янги тежамкор технологияларни жорий этишни, пахта ва ғалла ҳосилдорлигини оширишни тақазо этади. Фермер хўжаликларини иқтисодий жихатдан ривожлантиришнинг асосий йўли уларни барқарор ривожлантириш асосида иқтисодий самарадорлигини кескин ошириш ҳисобланади.

Бутун дунёга ҳанузгача хавф солаётган жахон молиявий иқтисодий

инкирозига карши чора-тадбирлар ичида Президентимиз иқтисодий самарадорликнинг муҳим омили сифатида махсулот таннархини пасайтириш масалаларига ҳам алоҳида тухталиб утганлар. Сўнгги йилларда қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган махсулотларнинг бахолари ва саноатда ишлаб чиқарилиб қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган саноат махсулотларини бахолари ўртасидаги юзага келган номутаносиблик тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини бозор талабларига мос ҳолда янада такомиллаштиришни заруратини келтириб чиқарди. Бундан ташқари тармоқ ишлаб чиқаришида янги технологияларни қўллашнинг етарлича рағбатлантирилмаслиги, махсулот ишлаб чиқарувчилар ва уни қайта ишловчилар ҳамда уни савдоси билан шуғулланувчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг номукамаллиги ва бошқа шу каби масалалар қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган махсулотлар таннархини талаб даражасидан ошиб кетишига ва иқтисодий самарадорликнинг пасайишига асос бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ғўзанинг серҳосил навларини танлаш, ҳосилдорликни ошириш ҳақида тўхталар экан, бугун деҳқончиликни рентабеллик даражаси билан ўлчаш энг тўғри йўл эканини таъкидлайди. Пахтанинг рентабеллиги баланд бўлмаса, деҳқоннинг шашти қайтади, ишга қизиқиши сўнади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса энг аввало иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён ушбу асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди:

- Маҳсулот таннархини пасайтириш;
- Экспортёр корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш;
- Банк кредитлари орқали қўллаб-қувватлаш;
- Ишлаб чиқаришни кенгайтириш

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг қўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз, жумладан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Давлат эҳтиёжлари учун пахта-ғалла етиштираётган фермер хўжаликларида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини чуқур ўрганиш талаб этилмоқда. Чунки пахта-ғалла етиштириш учун зарур бўлган ёқилғи, минерал ўғитлар, уруғлик, техник сервис хизматлари каби моддий-техника ресурсларининг баҳолари эркин нархлар туфайли юқори даражада ўсиб кетмоқда. Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга ноқулай бўлган номутаносибликларни келтириб чиқармоқда, иқтисодий самарадорлик пасаймоқда. Маҳсулот таннархини камайтириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш, ҳосил миқдорини янада кўпайтириш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир.

1. Фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар

Чекланган характердаги табиий-экологик омиллар меъёрида бўлган шароитда агротехнологик, ташкилий-иқтисодий, ижтимоий ёки ҳуқуқий омиллардан қай бирини бузилиши пахта ва ғалла етиштириш самарадорлигини пасайтиради. Шу нуқтаи назардан тармоқ ривожланиши ва иқтисодий самарадорлигини белгиловчи омилларни барчасига бир хил муносабатда бўлиш асосида улардан самарали фойдаланиш пахтачиликни ривожлантириш ва иқтисодий самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир (А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.:2002).

Пахтачилик ривожини ва унинг иқтисодий самарадорлигини кўп жиҳатдан ердан тўғри фойдаланиш ҳамда шу асосда ҳосилдорликни ошириш билан боғлиқдир. Бу жараёнда пахтачилик иқтисодий самарадорлигини табиий иқлим шароитлари доирасидаги фарқлар ва ўзгаришларга боғлиқ ҳолда шаклланади.

Чунки, тармоқ иқтисодий самарадорлигига тупроқ унумдорлиги, табиий иқлим шароитлари, сув билан таъминланганлик, экин майдонлари рельефи, сизот сувларининг узоқ-яқинлиги ва бошқа кўплаб шароитлар ўз таъсирини ўтказди. Ушбу омиллар пахтачиликда ердан фойдаланиш жараёнида ўзига хос бўлган таъсир этиш кучига эга бўлиб, уларни пахта етиштирувчиларнинг ҳоҳиш иродаси доирасида бошқариш имкониятлари чекланган. Шу жиҳатдан ушбу омиллар таъсирига ишлаб чиқариш жараёнини мослаштириш талаб этилади.

Пахтачиликда тупроқ унумдорлигини мунтазам яхшилаб бориш, шу асосда пахта ҳосилдорлигини ошириш, пахта майдонларини сув билан таъминланиш даражасини яхшилаш, ишлаб чиқаришга янги биологик ва иқтисодий жиҳатдан қулай бўлган пахта навларини жойлаштириш, пахта уруғчилигини такомиллаштириш ҳамда тармоқда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўйиш орқали табиий ва агротехнологик омилларнинг ўзаро

ўйғунлигини таъминлашни назарда тутди (А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. – Т.:2004).

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2012 йил 19 январдаги «2012 йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтаардиган йил бўлади» номли маърузасида келтирилишича, кейинги йилларда пахтадан энг юқори ҳосил олинганлиги, соҳада ишлаб чиқариш ҳажми кескин кўпайгани деҳқончилигимиздаги туб сифат ўзгаришларимизнинг самарасидир.

Пахта етиштириш қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг асосий ўзагини ташкил этади. Кўплаб саноат тармоқларини ҳам ашёга бўлган талабини тўла қондириш пахта ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватланишига ва бу соҳани биринчи даражали вазифага айланишига сабаб бўлади.

Мамлакатимиз иқтисодиёти учун жуда муҳим стратегик ҳам ашё бўлган пахтадан 300 дан ортиқ номдаги маҳсулотлар олинади. Республикамизда талаб даражасида пахта етиштириш муаммосини ҳал қилиш учун юқори агротехника қоидаларига, замонавий уғруғчилик тизимига, ерни ўғитлаш усулларига, ҳосилни ўз муддатларига нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга риоя қилиш лозим. Бунда пахта етиштирувчи фермерларга тўла иқтисодий мустақиллик берилиши, пахтани давлат томонидан сотиб олиш, бу ҳолларини тартибга солиш, пахтани харид қилишда жаҳон тажрибаларидан фойдаланиш энг асосийси, пахта етиштирувчининг замон талаби даражасида яшаш имкониятларига эга бўлишини таъминлаш шарт.

Аграр соҳадаги иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви натижасида хусусий мулкдорлар бўлган фермер хўжаликлари ривожланиб, 2011 йилда давлат эҳтиёжлари учун етиштириладиган пахтанинг 99,5 фоизини етиштиришга эришдилар. Ялпи ҳосилнинг миқдори эса республика бўйича 3 млн 500 минг тонна (100,3%) пахта ҳам ашёсини ташкил этди ва шартномавий мажбурият деярли барча вилоятларда тўлиқ уудаланди. Бунда республика бўйича олинган ўртача ҳосилдорлик гектарига 25,8 центнердан

иборат бўлди.

Иқтисодий самарадорлик – бу бир сўмлик сарф харажат эвазига қанча сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганини ўзида ифода этади. Демак ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келган фойдани уни етиштириш учун сарфланадиган харажатларга нисбати билан аниқланади (Б.Салимов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти, Т.:2004).

Бу кўрсаткич асосида ҳар бир маҳсулот бирлиги учун қанча харажат қилингани аниқланади. Бу харажатларнинг ошиши товар қийматининг ошишига олиб келади.

Хўжалик бўйича сотилган маҳсулотлар рентабеллигини аниқлаш тартиби сотилган маҳсулотларнинг ҳар бир тури бўйича рентабеллигини аниқлаш тартибидан фарқ қилмайди, яъни маҳсулотларни сотишдан олинган жами фойдани шу маҳсулотларнинг жами таннархига бўлиш орқали хўжалик бўйича сотилган маҳсулотларнинг рентабеллиги даражаси аниқланади.

Фойда хўжаликнинг пировард молиявий натижасини мутлоқ кўрсаткичда ифодаласа, рентабеллик ушбу натижани нисбий кўрсаткичда йифодалайди. Самарадорликка баҳо беришдаги асосий кўрсаткич бўлиб, рентабеллик ҳисобланади. Рентабеллик деганда фойдалилик, даромадлилик даражаси тушунилади. Ресурсларга, капиталларга, ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан олинган фойда ҳажми тушунилади. 1 сўмлик асосий фондлар ҳисобига ёки 1 сўмлик хусусий капитал ҳисобига ёки 1 сўмлик харажат ҳисобига олинган фойда ҳажмини ифодаловчи кўрсаткич тушунилади. Ушбу кўрсаткич рентабеллик коэффициенти деб ҳам аталади (Т.Қудратов. Фермер хўжалиги фаолиятининг иқтисодий таҳлили. – Самарқанд, 2006).

Бозор муносабатлари талабларидан келиб чиқиб фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигини кўрсаткичлар тизими орқали баҳолаш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунда ҳар бир кўрсаткич ўзига ҳос бўлган хусусиятларидан келиб чиқиб аниқроқ бўлган хулосаларга келиш имкониятини беради. Пахтачилик иқтисодий самарадорлиги натурал, қиймат

ва тўлдирувчи (нисбий) характердаги кўрсаткичлар тизими оркали аникланиши тўғрироқдир.

Рентабеллик пахтачилик иқтисодий самарадорлик даражасини кўрсатувчи асосий кўрсаткичларидан ҳисобланиб, ўзида пахтачиликка сарфланган бир сўмлик ҳаражат ҳисобига олинган фойдани ифодалайди. Рентабеллик ўз хусусиятига кўра тармоқнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида якуний, умумий ҳулоса чиқариш асосида тармоқ салоҳиятини баҳолаш имконини беради. Бу эса рентабеллик даражасини фойда билан бир қаторда маҳсулот таннархига ҳам боғлиқ эканлигини асослайди. Ҳаражатни камайтириш ҳисобига рентабелликни кўтариш мақсадида таннарх таркибидаги иш ҳақини камайтириш ҳоллари бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида моддий манфаатдорлик тизимини бузилишига олиб келади. Юқорида кўриб ўтилган кўрсаткичларга моддий манфаатдорлик нуқтаи назаридан баҳо берсак, уларнинг ҳар бири ўзида иқтисодий самарадорликни баъзи бир жиҳатларини акс эттириши билан бир қаторда мавсум якунидаги моддий манфаатдорликни назарда тутаяди. Аммо, пахта етиштирувчиларни мавсум давомидаги эҳтиёжларини қондириш ҳам муҳим зарурият ҳисобланади. Бу заруриятни эса натурал ва қиймат кўринишидаги даромадлар ҳал этади. Пахтачиликда пахта етиштирувчиларни иш ҳақи билан таъминлаш даражасини ўзида тўлароқ акс эттирувчи кўрсаткич бу бир ишловчи ҳисобига пул даромадларининг миқдори ҳисобланади. Бу кўрсаткич пахта етиштиришдан олинган соф фойдани ҳодимлар сонига нисбатини мавсум ойлари бўйича қайта ҳисоби билан асосланади. Пахтачиликда бу кўрсаткични ҳисобга олиш биринчидан, пахта етиштирувчиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш ҳолатини аниқлаш ва шу асосда уни яхшилаш чора тадбирларини белгилаш имконини берса, иккинчидан, пахта етиштирувчиларни мулкка ва меҳнатга бўлган муносабатини яхшиланишига, учинчидан эса пахта етиштирувчиларни ижтимоий аҳволи ва турмуш даражасини яхшилаш учун замин яратилади.

Ҳосилдорлик – ҳар бир гектар ерда ҳўжалик бўйича ўртача қанча

миқдорда пахта етиштирилганлигини билдириб, ялпи ҳосилнинг центнер ҳисобидаги қийматини буғдой экилга майдонга нисбати орқали топилади.

Ялпи маҳсулот етиштирилган ялпи ҳосилни 1 ц ҳосилнинг харид баҳосига кўпайтириш орқали аниқланади. Буғдой харид баҳоси, топшириладиган доннинг синфига ва навига боғлиқ ҳолда табақалашган бўлади. Доннинг харид баҳоси турли йиллардаги жаҳон бозоридаги нархи, инфляция даражаси, жорий йилдаги табиий-иқлим шароитига мос ҳолда сарфланган ўртача харажатларни ҳисобга олган ҳолда давлат тайёрлов ташкилотлари томонидан шакллантирилади. Фермер хўжалигининг ялпи маҳсулоти минг сўм ҳисобида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш харажатлари аввало асосий ва устама харажатларга, маҳсулот таннархига киритилишига қараб тўғри ва эгри харажатларга, харажатлар таркибига қараб оддий ва комплекс харажатларга, ишлаб чиқариш ҳажмига қараб доимий ва шартли ўзгарувчи харажатларга бўлиш мумкин. Ушбу барча харажатларни жамлаган ҳолда қиймат кўринишида ҳисобга олиниб, минг сўм ўлчов бирлигида ифодаланади (Б.Салимов. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти, Т.:2004).

Фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлигига бевосита таъсир этувчи ишлаб чиқариш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» да кўрсатилган. Унга кўра ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби қуйидагича туркумланади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатларнинг элементлари: а) ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари, яъни уруғлик ва кўчат харажатлари, минерал ўғитлар учун харажатлар, ёқилғи-мойлаш материаллари, иш ва техник сервис хизматлари учун харажатлар, ўз техникаларини таъмирлаш учун сарфланган ресурслар учун харажатлар ва бошқа моддий харажатларни ўз ичига олади.

б) меҳнатга ҳақ тўлаш ҳаражатлари

в) ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар,

г) асосий фондлар амортизациясига ўтказма

д) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа моддий ҳаражатлар

2. Таннархга киритилмайдиган, бироқ фойдани аниқлашда ҳисобга олинадиган давр ҳаражатлари, яъни бошқарув ҳаражатлари, маҳсулотни сотиш ҳаражатлари, бошқа операцион ҳаражатлар.

3. Молиявий фаолият бўйича ҳаражатлар. Бунга фоизлар бўйича тўловлар, мол-мулкни узоқ муддатли лизингга олиш тўловлари, қимматли қоғозлар чиқариш билан боғлиқ ҳаражатлар киради.

4. Фавқулодда зарарлар – сув тошқини, ёнғин, дўл жала каби табиий офатлар ва мамлакат қонунчилиги ўзгариши натижасида қўрилган зарарлар

Фермер хўжалигидаги етиштирилган пахта ва доннинг ялпи маҳсулоти билан ишлаб чиқариш ҳаражатларини фарқи хўжаликнинг фойдасини беради. Фойда ҳам минг сўм ҳисобида ўлчанади.

Фермер хўжалиги аъзоларига тўланган иш ҳақи моҳиятан олиб қаралганда хўжаликнинг ўзида қолади. Чунки фермер хўжалиги – оила аъзоларининг ва ёлланма ишчиларнинг меҳнати эвазига қишлоқ хўжалиги маҳсулот етиштирувчи субъект ҳисобланади. Шунинг учун ажратилган иш ҳақини фойда миқдорида қўшиш орқали фермер даромадини топиш мумкин.

Фермер хўжалигида иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир. Рентабеллик даражаси бир бирлик ишлаб чиқариш ҳаражатлари эвазига қанча фойда олинганини билдиради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари, фермер хўжалигининг ўртача 1 гектар экин майдонига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари, ялпи маҳсулот ва даромад ҳам самарадорликни аниқлашга асос бўлиши мумкин.

2.Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигининг табиий иқтисодий шароитлари ва ихтисослашуви.

Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги Олтинкўл туманининг жанубий шарқи тарафини, Машъал массивининг Қўштепасарой қишлоқ фуқоролар йиғини жойлашган. Фермер хўжалиги вилоят марказидан 30 километр, туман марказидан 15 километр узоқликда жойлашган. Олтинкўл тумани пахта тозалаш заводида 4 километр ва Олтинкўл тумани дон маҳсулотларини қабул қилиш корхоналари мос ҳолда 9 километр узоқликда, фермер хўжалиги туман ОАЖ ММТПсидан ҳамда Ўзкимё ташкилотидан 11 километр шунинг билан биргаликда Пиллакашлик корхонасидан 7км узоқликда жойлашган.

У собиқ “Машъал” ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясининг 2006 йил 30 ноябрдаги 2548 сонли йиғилишининг баённомаси ҳамда Жамоатчилик Кенгаши томонидан ўтказилган танловининг якуний босқичи тўғрисидаги хулосалари асосида туман ҳокимининг 2007 йил 13 январда 45 К сонли қарори билан ҳуқуқий шахс сифатида ташкил топди. У дастлаб 2007 йилда 40,5 гектар ерга узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида эгалик қилади.

Вилоятимизда ўтказилган фермер хўжаликларини оптималлаштириш жараёнида Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги ерларига 2008 йил 10 январда 30 гектар ер майдони билан кенгайтирилиб 2008 йил ҳолатига 70,5 гектар ерга узоқ муддатли ижара ҳуқуқи асосида эгалик қилади.

Фермер хўжалигига ер участкаси 49 йил муддатга ижарага фойдаланиш учун берилди. Ушбу ерларни суғоришда фермер хўжалиги Шаҳрихонсой сув истеъмолчилари уюшмаси орқали Шаҳрихонсой сувларидан суғориб келади.

Фермер хўжалиги шарк томонидан Машъал нури фермер хўжалиги билан, шимол томонидан Х.Кимсанов фермер хўжалиги билан ва ғарб томонидан машъал дурдонаси фермер хўжаликлари билан, ҳамда жануб томонидан Балиқчи тумани билан чегарадош ҳисобланади.

Фермер хўжалиги деҳқончиликка, хусусан пахта ва ғалла йўнилишига ихтисолашган. Фермер хўжалигини ер участкаси адирликка яқин жойлашга бўлиб, нисбатан олганда табиий иқлим шароити қулай ҳисобланади. Фермер хўжалиги жойлашган ҳудуднинг иқлим шароити кескин континентал булиб, ёзи иссиқ, киши эса совукдир. Ёз фаслида ҳаво ҳарорати +36 +40 даражагача кутарилса, киш фаслида -12 -18 даражагача пасайиши мумкин. Ўртача ёғин миқдори бир йилда 157- 193 миллиметрга етади. Фермер хўжалиги ҳудудида йил давомида 3215 соат қуёшли кунлар бўлади. Йилнинг иссиқ кунлари 6 ойни ташкил этади. Йиллик ўртача ҳарорат + 18- 20 даражага тенг бўлиб, ўрта толали пахта ва ғалла экин навларидан юқори ҳосил олиш имкониятини беради. Фермер хўжалигида иқлим шароитига мос ҳолда суғориб деҳқончилик қилинади. 2011 йилда самарали ҳарорат пахта етиштириш учун меъёрий ҳолатда бўлди. Хўжаликда вегетация даврининг давомийлиги 158 кунни ташкил этади.

Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги тумандаги Агробанкида ўз ҳисоб рақамини очган булиб, банк ҳ/р 20208000704564882001, МФО 00049, солиқ тўловчининг ИИН 300107309 билан ўз операцияларини амалга ошириб келмоқда.

Машъал меҳригиёси фермер хўжалигига 49 йил муддатга ижарага берилган ер участкасининг мелоратив ҳолати талаб даражасида булиб ер ости сувларидан 3-4 метр чуқурликда жойлашган, ерлари шурланмаган. Тупроги бўз тупрок ҳисобланиб нисбатан олинганда тупрок унумдорлиги, фойдали элементлар ва гумус миқдори уртача.

Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида ер участкасидан фойдаланиш ҳолати ҳам юқори даражада булиб йилдан-йилга экин экилади. Пахта ҳосилдорлиги 37 центнерни, бугдой ҳосилдорлиги эса 55 центнерни ташкил этади. Фермер хўжалиги Машъал массивидаги илгор хўжаликлардан бири ҳисобланади.

1-жадвалда Машъал меҳригиёси фермер хўжалигининг узок муддатли ижарага берилган ер участкасининг ҳолати ҳақида маълумот

**Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Машъал меҳриғиёси фермер хўжалигига ижарага берилган
ер участкаларини тупрок банитет баллари тўғрисида**

1-жадвал

№	Ер участкалари		Банитет баллари	Ер майдони га	Уртача банитет бали	Суғориш карталарни сони	Ўртача бир картани хажми. (га)	Суғориш карталарини тавсифи
	Кадастр гурuhlари	Синфла ри						2,3 гектари йўллар ва 2,4 тутзорлар 3,3 гектари сув йўллари
1	1 кадастр гурухи	1 синф 2 синф	0дан 10 гача 11дан 20 гача					
2	2 кадастр гурухи	3 синф 4 синф	21дан 30 гача 31дан 40 гача					
3	3 кадастр гурухи	5 синф 6 синф	41дан 50 гача 51дан 60 гача	70,5	58	4	17,6	
4	4 кадастр гурухи	7 синф 8 синф	61дан 70гача 71дан 80 гача					
5	5 кадастр гурухи	9 синф 10синф	81дан 90гача 91дан 100 гача					

берилган. Машъал меҳригиёси фермер хужалигига ажратилган ер участкаси 4 контурдан иборат. Жумладан 62,5 гектари экин майдони булиб, шундан 34 гектарига пахта, 28,5 гектарига бугдой экилган. Сугориш картасининг хажми унда техника воситаларидан, меҳнат ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда янги технологияларни жорий этиш имкониятларини беради. Сабаби юкоридаги талабларга жавоб бера олиши учун сугориш карталарининг хажми камида уч гектарни ташкил этиб, бир томонининг узунлиги 1000 метрдан кам булмаслиги керак. Бу жихатдан фермер хужалигида сугориш карталарига куйилган талабларга тула жавоб беради.

Ер участкасининг узок муддатли ижарага олиш шартномаси 10 банддан иборат булиб, унда вужудга келиши мумкин булган ҳолатлар ҳисобга олинган. Ушбу ерга ижара ҳукуки асосида эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатларни тартибга солувчи ҳукукий ҳужжат ҳисобланиб, барча қелишмовчиликлар шу ҳужжат асосида қуриб чиқилади. Бу соҳада муаммолар чиқиб хужалик судида қурилганда ҳам суд қарори шу ҳужжат асосида ҳукм чиқарилади. Ушбу ер участкасини узок муддат ижарага олиш шартномаси туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлимининг бошлиғи, фермер хужалигининг бошлиғи ва ердан фойдаланувчиларнинг вакили томонидан имзоланиб муҳрланади.

2-жадвалда Машъал меҳригиёси фермер хужалигини экин майдони ва уни таркиби берилган. Жадвал маълумотларидан қуриниб турибдики, охириги йилларда фермер хужалигининг жами экин майдони хажми ўзгармаган. Ҳозирги кунда уни 34 гектарига пахта ва 28,5 гектарига бугдой дони экилади. Фермер хужалигида пахта ҳосилдорлиги уртача булиб, гектарига 37 центнерни ташкил этади, галла бўйича ҳам яхши қурсаткичга эга, яъни 66 центнерни ташкил этади. Лекин хужаликда пахта ва галла ҳосилдорлигини янада қутариш имкониятлари мавжуд. Жумладан, хужаликка узок муддатга ижарага берилган ер участкасининг банитет бали 58 ни ташкил этиб уни қутариш чора-тадбирларини қуриш лозим. Яъни ер участкасининг мелоратив

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Маишъал меҳригиёси фермер

хўжалигини экин майдони ва унинг таркиби. 2-жадвал

№	Кўрсаткичлар.	Ўлчов бир лиги	2009й		2010 й		2011 й		2011йилда 2009 йилга нисбатан %
			Мик дори	%	Мик дори	%	Мик дори	%	
1.	Жами экин майдони	га	62,5	100	62,5	100	62,5	100	100,0
1.1	Шундан:Пахта	га	36	58	30	48	34	54	94,4
	Хосилдорлик	ц\га	32	X	36	X	37	X	115,6
	Ялпи хосил	ц	1152,0	X	1080,0	X	1258	X	109,2
1.2	Дон	га	26,5	42	32,5	52	28,5	46	107,5
	Хосилдорлик	ц\га	56	X	62	X	66	X	117,9
	Ялпи хосил.	ц	1484,0	X	2015,0	X	1881,0	X	126,8
2	Ходимлар сони	нафар	38	100	33	100	36	100	94,7
2.1	Пахтачиликда	нафар	33	87	27	82	31	86	93,9
2.2	Дончиликда	нафар	5	13	6	18	5	14	100,0
3	Ерни банитет бали.	балл	58	x	58	x	58	x	X

холатини ошириш мумкин. Ундан ташкари хужаликда самарали технологиялардан фойдаланиш имкониятлари ҳам бор.

Фермер хужалигида ҳисобот йилида 36 нафар ходимлар фаолият курсатиб ундан 31 таси пахтачиликда ва 5 таси дончиликда банд.

Кишлоқ хўжалигидаги меҳнат килиш қобилятига эга бўлган фуқароларни меҳнат ресурслари деб аталади. Уларнинг ҳуқуқий асослари таркиби ҳамда фаолияти Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган «Меҳнат кодекси»да (04.1996й), «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги (05.1998й) қонунда батафсил кўрсатилган. Меҳнат ресурслари 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, 55 ёшгача бўлган аёллар ҳисобланади. Шу билан биргаликда меҳнат килиш имкониятига эга бўлган ўсмирлар ва нафақахўрлар ҳам меҳнат ресурси саналади. Уларнинг таркибида иқтисодий фаол меҳнат килиш имкониятига эга бўлганлар алоҳида аҳамият қабл этиди. Уларни 16-55 ёшгача бўлган аёллар, 60 ёшгача бўлган эркаклар ташкил этиди. Улар меҳнат ресурсларининг асосини ташкил этиди.

3- жадвалда Машъал меҳриғиёси фермер хужалигининг аъзолари ва шартнома асосида ишлаётган ходимларнинг таркиби тўғрисида маълумотлар берилган. Фермер хужалигида 2 нафар аъзо ва 33 нафар шартнома асосида ишлаётган ходимлар мавжуд бўлиб, ишлаб чиқариш бўйича иш тажрибалари талаб даражасида, лекин уларни касбий тайёргарлиги ва маълумоти тўғрисида бундай ҳулосага келиш мумкин эмас. Сабаби фермер хужалигида фаолият курсатаётганлар орасида биргина хужалик раҳбари олий маълумотлидир.

Фермер хужалиги раҳбари Аҳмедов Зокиржон 13 апрел 1985 йилда таваллуд топган. Андижон Қишлоқ хўжалиги институтининг иқтисодиёт таълим йўналишини тамомлаган.

2007 йилдан буён Олтинқўл туманидаги Машъал меҳриғиёси фермер хужалиги бошлиги вазифасини бажариб келмоқда.

Қолган ходимларга тўхталадиган бўлсак, аъзоларнинг орасида бир нечтасининг маълумотлари ҳам урта махсус бўлиб, уларнинг орасида бири

**Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигини
аъзолари ва уларнинг таркиби тўғрисида маълумот.**

3-жадвал

№	Аъзоларининг исми ва шарифи	Туғилган йили	маълумоти	касби	Иш стажи	фермер хўжалигини бошлиғига қарин дош-уруғчилик алоқаси	Қўшимча эгаллаган касби
Аъзолари							
1.	Аҳмедов Зокиржон	1985	Тўлиқсиз олий	Иқтисодчи	10	Ф/х бошлиғи	Юрист
2.	Аҳмедов Ҳошимжон	1965	урта	Иш юритувчи	25	Дадаси	Токар
Шартнома асосида ишлайдиганлар.							
1.	Анваров Охунжон	1973	урта мах	Ишчи	13	бегона	Ошпаз
2.	Камолов Мухриддин	1979	урта мах	Оператор	10	бегона	Йўк
3.	Турғунбоев Нодирбек	1987	урта мах	Меҳанизатор	4	бегона	Уста
4.	Мирзарахимова Машхура	1973	урта мах	ишчи	13	бегона	Чевар
5.	Абдуғаниев Мухаммадюсуф	1979	урта мах	сувчи	10	бегона	Дурадгор
6.	Комилов Умарбек и	1987	урта мах	сувчи	4	бегона	Шафёр
7.	Жалолдинов Салоҳиддин	1960	урта мах	сувчи	28	бегона	Йўк
8.	Абдумўминова Табассум	1974	урта мах	ишчи	27	синглиси	Тарбиячи
9.	Косимжонова Фарида	1966	урта мах	ишчи	20	бегона	Ҳамшира
10.	Аҳмедова Жамила	1986	урта	ишчи	5	бегона	Ҳамшира
11.	Парпиев Абдумухтор	1986	урта мах	ишчи	18	бегона	Йўк
12.	Комилов Достон	1980	урта мах	ишчи	10	бегона	Йўк
13.	Рахимов Сарварбек	1968	урта мах	ишчи	23	бегона	Йўк
1.	Жами 35 нафар						

хисобчи, яна бири укитуви ва икки нафари хамшира мутахасисликлари буйича дипломларга эгадир. Колган аъзолар орасида икки нафари уста, бир нафари дурадгор уста, 2 нафари эса чевардир. Куриниб турибдики ходимларнинг купчилиги оддий дехконлардир. Шунинг учун ҳам хужаликда ходимларнинг касбий тайёргарлигига ва маълумотига алоҳида эътибор бериш зарур. Бунда ҳар бир ходимнинг камида 4-6 та бир-бирига яқин булган касбий тайёргарликларни эгаллашлари алоҳида аҳамиятга эгадир. Хужаликда ишловчилар орасидан 14 нафари аёллар барчаси оилали, 21 нафари эркаклар бўлиб бундан 16 нафари оилали, 5 нафари уйланмаган.

Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида 10343 минг сўмлик дебиторлик, 48339 минг сўмлик кредиторлик қарзлари мавжуд.

Қишлоқ хўжалигида ўсимликчилик тармоқларини тез суръатларда ривожланиши етиштирилган маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошишини таъминлаган.

4-жадвалда Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги 2009-2010-2011 йиллари Микрокредит банкдан фермер хўжаликларига берилган имкониятлардан фойдаланиб 30000000дан 45000000 гача сўмга лизингга 2 та ТТЗ-80-11, бошқа қишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олинган.

**Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида
1.01.2012 йил ҳолатига фермер хўжалигида мавжуд қишлоқ хўжалик
техника воситалари тўғрисида маълумот 4-жадвал**

Н:	Техника тури	сони	Колдик киймати	Ҳолати
1	ТТЗ-80-11	2 та	45000000 сўм	ярокли
2	омач	1 та	120000 сўм	ярокли
3	Чизель	1 та	150000 сўм	ярокли
4	Культиватор	1 та	1000000 сўм	ярокли
	Жами техникалар ва тиркамалар сони:	4та	46270000 сўм	ярокли

Бундан ташқари қишлоқ хўжалиги техникаларига керакли қишлоқ хўжалиги машиналари билан тўла таъминланган. Улар жумласига 2 та култиватор, 1 та чизел, 1 та культиватор, 1 та омоч ва шу каби мосламалари бор. Барча техникалар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг техник жиҳатдан созлиги талаб даражасида бўлиб мунтазам техник кўриклардан ўтказилиб турилади.

Бундан ташқари фермер хўжалиги туман МТП билан шартнома тузиб техникалардан фойдаланади. Юқорида келтирилган маълумотлар Машъал меҳригиёси фермер хўжалигини тумандаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган, йирик ва молиявий ҳолати нисбатан олинганда барқарор бўлган хўжалик эканлигини тўла асослайди.

3. Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларининг ҳолати ва унинг таҳлили.

Мамлакатимиз кишлоқ хўжалигида фермер хўжаликларида ишлаб чиқаришни тўғри йўлга қўйилиши асосида юкори натижаларга эришилиши нафакат кишлоқ аҳолисини даромадини ортишига, балки Республикамиз аҳолисини сифатли ва мўл –кўл озик –овқат маҳсулотлари, саноатини эса хом –ашё билан таъминлаш даражасини яхшиланишига олиб келади.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврдаги эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги умумий кўринишда ишлаб чиқаришнинг натижаси, жонли ва буюмлашган меҳнат харажатлари ўртасидаги нисбат билан ифодаланади. Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигини оширишнинг объектив зарурлиги мамлакат иқтисодий ривожланишининг ҳозирги этапдаги бир қатор хусусиятлари ва доимий ҳаракатдаги омилларнинг йиғиндисига боғлиқ. Бир томонда кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш озик-овқат ва хом ашёга бўлган талабнинг ўсиб бориши ва қийинлашиши, маҳсулот сифатига бўлган талабнинг кучайиши, баъзи ишлаб чиқариш ресурсларининг чегараланганлиги, ишлаб чиқариш воситалари қийматининг ўзгариши ва бошқаларни кўрсатиб туради.

Бошқа томондан, ҳозирги этапдаги жамиятнинг ривожланиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш иқтисодий самарадорлигин ошириш имкониятини кенгайтиради.

Мамлакатда тўпланган иқтисодий потенциал, фан ва техниканинг ривожланиши, малакали кадрлар, омманинг активлиги, уларнинг тажрибаси, шунингдек юқори пировард натижаларга омманинг моддий қизиқишининг ўсиши ўсимчилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга шароит яратади, таннархни пасайтиради ва рентабелликни ошириш имкониятларидан оқилона фойдаланишга имкон беради.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқаришининг иқтисодий самарадорлиги ҳақида масала кўрилганда, «Самара» ва «Самарадорлик» - тушунчаларининг бир хил эмаслигини кўзда тутиш керак. «Самара» термини қандайдир жараённинг натижасини билдиради. Умумий кўринишда ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг самараси шаклида унинг вазифаси – ишлаб чиқаришнинг мақсадини амалга оширувчи пировард маҳсулот юзага чиқади. Бир томондан, у ўз таркибига маълум даврдаги ҳаракатдаги ишлаб чиқариш ресурсларининг моддий натижаси йиғиндисини олади, бошқа томондан – ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади фақат бевосита ишлаб чиқарилган моддий бойликларнинг ҳажмида мужассамлашган бўлади.

«Самара»- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари шаклида(натура ва пулда) ишлаб чиқариш ресурси, харажат, фойда сферасида эса иқтисодий, шунингдек ходимларнинг яшаш ва ишлаш шароитини ҳам акс эттирувчи социал ўсиш бўлиши мумкин.

Лекин самара қанчалик муҳим бўлса ҳам, ўз-ўзидан кишининг меҳнат фаолиятини тўлиқ характерламайди, қандай ресурс(харажатлар)лар эвазига олинганлигини кўрсатмайди. Бир хил самара турли усул билан, ресурслардан турлича даражада фойдаланиш орқали олинган бўлиши мумкин ва аксинча, бир хил ресурс(харажат)лар турли самара бериши мумкин. Шунинг учун эришилган самарани шу самарани олишда қатнашган ресурслар(харажатлар) билан таққослаш зарурияти келиб чиқади.

Фермер хужалигининг ривожланиши имкониятлари куп жихатдан унинг Иктисодий самарадорлигига богликдир. Иктисодий самарадорликка мавжуд ресурслардан тежаб-тергаб окилона фойдаланиш асосидагина эришиш мумкин.

Иктисодий самарадорлик мураккаб иктисодий категория булиб бир катор натурал ва киймат курсаткичлари билан улчанади.

Натурал курсаткичларга хосилдорлик, ялпи хосил, сарфланган меҳнат миқдори, ер бирлиги ва ходим ҳисобига олинган маҳсулот турларининг миқдори ва шу каби бошқа курсаткичлар киради.

Киймат курсаткичлари жумласига ялпи маҳсулот, баҳо, таннарх, ишлаб чиқариш харажатлари, фойда каби курсаткичлар ва уларни ер бирлиги ва ходимга тугри келиши киради.

Киймат курсаткичлари ичида рентабеллик даражаси алоҳида урин тутади. У даромадлар билан харажатларни таккослаш йули билан аникланиб, бир сумлик харажат ҳисобига олинган фойдани акс эттиради.

Рентабеллик фойдаланиш ва куллаш жихатидан содда ва қулай иктисодий курсаткич ҳисобланиб, ундан илмий тадқиқотда ва амалиётда кенг кулланилади. Биз ҳам Машъал меҳриғиёси фермер хужалигида ишлаб чиқаришнинг иктисодий самарадорлигини аниқлашда рентабеллик даражасидан фойдаландик. У самарадорликнинг асосий яқунловчи иктисодий курсаткич булиб ҳисобланади.

5-жадвалда Олтинкўл туманидаги Машъал меҳриғиёси фермер хўжалигини эришилган иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, охириги уч йилда хўжаликнинг иқтисодий самарадорлиги кескин янгиланган. Буни биз самарадорликнинг яқунловчи асосий иқтисодий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан яққол кўришимиз мумкин. Рентабеллик даражаси шу даврда 24,0 фоиздан 33,8 фоизга яъни +9,8 даражага кўпайган. Эришилган рентабеллик

**Олтинкўл туманидаги Маишъал меҳриғиёси фермер хўжалигини
эришилган иқтисодий самарадорлиғи**

5-жадвал

№	Курсаткичлар	Улчов бирлиғи	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	62,5	62,5	62,5	100,0
	а) пахта	га	36	30	34	94,4
	б) бугдой	га	26,5	32,5	28,5	107,5
2	Ишлаб чиқариш харажатлари	м.с	73779,2	90229,8	110715,1	150,1
	Шундан иш хаки	м.с	23848,9	29249,3	36536,0	153,2
3	Ходимлар сони	Нафар	38,0	33,0	36,0	94,7
4	Ялпи маҳсулот	м.с	91474,7	115302,8	148127,9	161,9
5	Фойда	м.с	17695,5	25073,0	37412,8	211,4
6	1 га ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	1463,6	1844,8	2370,0	161,9
	б) фойдаси	м.с	283,1	401,2	598,6	211,4
7	1 ходим ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2407,2	3494,0	4114,7	170,9
	б) иш хаки	м.с	627,6	886,3	1014,9	161,7
8	Рентабеллик	%	24,0	27,8	33,8	+9,8

даражаси ҳали оптимал даражада анча пастдир. Оптимал рентабеллик пахта ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари учун камида 45-50 фоизни ташкил этади. Шундагина фермер хўжалиги ўз даромадлари билан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг белгиланган суръатларда амалга ошириш имкониятларига эга бўлади.

6-жадвалда Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил этилган.

***Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида
пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги***

6- жадвал

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан %
1	Экин майдони	га	36	30	34	94,4
2	Хосилдорлик	ц/га	32	36	37	115,6
3	Ялпи ҳосил	ц	1152,0	1080,0	1258	109,2
4	И ч харажатлари	м.с	49827,5	52650,0	69239,1	139,0
	Шундан: иш хақи	м.с	15446,5	15268,5	19386,9	125,5
5	Ходимлар сони	нафар	33	27	31	93,9
6	Ялпи маҳсулот	м.с	57957,1	62110,8	86487,5	149,2
7	Фойда	м.с	8129,7	9460,8	17248,4	212,2
8	1ц пахтани таннархи	сўм	43253	48750	55039	127,2
9	1 ц пахтани сотиш бахоси	сўм	50310	57510	68750	136,7
10	1 га ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	1610	2070	2544	158,0
	б)фойда	м.с	226	315	507	224,6
11	1 ходим ҳисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	1756	2300	2790	158,9
	б) иш хақи	м.с	468	566	625	133,6
12	Рентабеллик	%	16	18	25	+9,0

Пахта етиштиришда ишлаб чиқаришнинг иқтисодий баҳолашни таққослама таҳлил қилишда қуйидаги натурал ва қиймат кўрсаткичларидан фойдаланилади.

- 1 га экин майдонининг ҳосилдорлиги.
- 1 ходимга, 1 киши кунига, 1 киши соатга тўғри келадиган ялпи маҳсулотнинг натурал ва пулдаги қиймати ҳамда маҳсулотга сарфланган меҳнат ҳажми.
- 1 га экин майдонига, 1 ц маҳсулотга тўғри келадиган ишлаб чиқариш харажатлари суммаси.
- 1 ц маҳсулотнинг сотиш баҳоси ва бошқалар.

Жадвалда маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда хўжаликда пахта етиштириш бўйича ҳам самарадорлик бир мунча кўтарилган бу рентабеллик даражасини 16 фоиздан, 25 фоизга ёки +9,0 даражага ўсганлиги билан асосланади.

Хўжаликда ер бирлиги ва ходимларга тўғри келадиган барча иқтисодий кўрсаткичлар охириги уч йилда бир мунча яхшиланган.

Лекин рентабеллик даражаси ҳали оптимал даражадан анча пастдир, уни камида 30-35 фоизга кўтариш керак. Акс ҳолда хўжалик пахта етиштириш бўйича кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ўз маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятига эга бўлмайди.

Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжалиги ўзи етиштирган пахта хом ашёсини сотишдан олган фойдаси ҳисобидан ўз ходимларини моддий жиҳатдан рағбатлантириш, ижтимоий ва маданий иншоотларни барпо этиш ҳамда ишлаб чиқаришни кенгайтириш фондларини амалдаги меъёрларга мос ҳолда шакллантира олиши лозим.

Демак, фермер хўжалигини фойдаси уни барқарор ривожланиши учун зарур бўлган учта асосий фондларни тўла шакллантиришга етиши керак. Шундагина хўжалик пахтачиликни жадал ривожлантириш асосида уни иқтисодий самарадорлигини талаб даражасига етказиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 501 сонли қарорига биноан мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пахта хом ашёси 5 та саноат навига: И-, ИИ-, ИИИ-, ИЙ- ҳамда Й- навларга ва ҳар бир нав (5- навга 3-синфга эга) 3 тадан синфга бўлинган бўлиб, улар кқуйидагича тавсифлаштирилган.

1- нав- тўлиқ пишиб етилган, тўлиқ очилган ва ўз вақтида, совуқ тушгунча териб олинган пахта хом ашёси;

2-нав- тўлиқ очилган лекин совуқ тушгандан кейин териб олинган, анчагина қисми унчалик пишмаган ёки совуқ урган пахта хом ашёси;

3-нав- кўпи етилмаган, совуқдан кейин қуруқ ҳаво таъсирида очилган кўсаклардан териб олинган пахта хом ашёси;

4-нав- етилмаган, кучли совуқдан кейин совуқ уриб сал очилган, хом пахта хом ашёси;

5-нав- етилмаган, очилмаган ва совуқдан кейин салсал очилган кўсаклардан қўл билан ситиб олинган пахта хом ашёси;

Пахта хом ашёсининг саноат навларини аниқлаш тамоёйили жами пахта хом ашёси массасининг ташқи кўринишидаги турли белгиларига қараб: рангига, зинчлигига, етилганлигига, очилиши даражасига ва чаноқнинг катталигига каби бўлаклашга асосланади.

7-жадвалда Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида давлатга сотилган жами пахта хом ашёсини саноат навлари бўйича тақсимланиши кўрсатилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда фермер хўжалигини бирламчи саноат навининг биринчи синфга сотган пахтасини хажми 70 фоиздан, 80 фоизга яъни 114,3 фоизга ортган. Бу фермер хўжалигига қўшимча даромадлар олиш асосида самарадорликни янада яхшиланшига имконият яратган.

**Олтинкўл туманидаги Машғал меҳриғиёси фермер хўжалигида
давлатга сотилган жами пахта хом ашёсини саноат
навлари бўйича тақсимланиши**

7- жадвал

Саноат нави	Синфлари	2009й		2010 й		2011 й	
		Миқдори, центнер	%	Миқдори, центнер	%	Миқдори, центнер	%
1	1	748,8	65	777,6	72	880,6	70
	2	57,6	5	31	2,9	125,8	10
	3						
	Жами	806,4	70	808,9	74,9	1006,4	80
2	1	153,2	13,3	112,3	10,4	125,8	10
	2	0,0		55,1	5,1	125,8	10
	3						
	Жами	153,2	13,3	167,4	15,5	251,6	20
3	1	92,2	8	63,7	5,9		
	2	47,232	4,1				
	3						
	Жами	139,4	12,1	63,7	5,9		
4	1						
	2						
	3						
	Жами						
5	1	53,0	4,6	40,0	3,7		
	Жами	53,0	4,6	40,0	3,7		
	Хаммаси	1152,0	100	1080,0	100	1258	100

Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий харажатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа харажатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш харажатлари нинг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган.

Энди биз шу Низомга асосан пахта хом ашёси ишлаб чиқариш харажатларини бевосита Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги мисолида 8-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш харажатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Ҳар қандай маҳсулот бирлигининг таннархи икки миқдор нисбатига: ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот миқдори ҳамда сифатига боғлиқ бўлади, яъни агар маҳсулот ўзгармаган ҳолда, харажат миқдори камайса ҳам, агар ялпи маҳсулот миқдори кўпайиб, харажатлар ўзгармаса ҳам, агар ялпи маҳсулотининг ўсиш суръати харажатлар ўсиш суръатидан юқори бўлса ҳам маҳсулот бирлигининг таннархини пасайишига олиб келади

Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида пахта етиштириш учун сарфланган харажатлар барча элементлар бўйича 2009 йилга нисбатан ортган. Жумладан, моддий харажатлар жами ишлаб чиқариш харажатларининг салмоқли 56-58 фоизини ташкил этган.

Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида минерал ўғитлар учун харажатлар 2009 йилда 9965,5 минг сўмни ташкил этган бўлиб, 2011 йилда 13847,8 минг сўмга ортган. Жами харажатлар

таркибида эса 20%ни ташкил этган.

Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида
пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби

8-жадвал

№	Харажатлар тури	2009й		2010 й		2011 й	
		М.с	%	М.с	%	М.с	%
1.	Моддий харажат	27903,4	56	30010,5	57	40158,7	58
	а) уруглик	3487,9	7	4212,0	8	4154,3	6
	б) ўғитлар	9965,5	20	10530,0	20	13847,8	20
	в) Ё.М.М	10463,8	21	11056,5	21	13847,8	20
	г) иш ва хизматлар	2491,4	5	3159,0	6	5539,1	8
	д) бошқа мод дий харажатлар	1494,8	3	1053,0	2	2769,6	4
2.	Меҳнат хаки харажатлари	15446,5	31	15268,5	29	19386,9	28
3.	Ижтимоий ажратма	3189,0	6,4	3053,7	5,8	3462,0	5
4.	Асосий воситалар ва номоддий актив ларни эскириши	1494,8	3	1684,8	3,2	2769,6	4
5.	Бошқа харажатлар	1793,8	3,6	2632,5	5	3462,0	5
Жами харажатлар		49827,5	100	52650,0	100	69239,1	100

Пахта етиштириш жараёнида дехконнинг каноти бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини ўрни жуда катта. Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун харажатлар талаб қилади. Шу ўринда дизел ёқилғиси учун харажатлар салмоқли аҳамият касб этади. Таҳлил даврида Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида 10463,8 минг сўмдан

13847,8 минг сўмгача, яъни жами харажатларнинг 21-20 фоизи микдорида харажат килинган.бундан кўриниб турибдики, пахта экин майдонини 2,0 гектарга камайиши фермер хўжалигида жами ишлаб чиқариш харажатларининг ичида ёқилғи учун сарфланган харажатлар салмоғи жихатдан камайган аммо қиймат кўринишида юқори бўлган. Сабаби ёқилғи мойлаш метеиалларининг қийматидаги ўзгаришлардир.

Фермер хўжалиги аъзолари иш хаки тулаш учун харажатлар жамига нисбатан 28,0 фоизни ташкил этган. Иш хаки фондига 2009 йилда 15446,5 минг сўмдан 2011 йилда 19386,3 минг сўмга етган.

Хўжаликда мавжуд бўлган ва салмоқли ўринга эга бўлган асосий воситаларига амортизация ўтказмалари таҳлил даврида 1498,8 минг сўмдан 2769,6 минг сўмгача ўтказилган.

Жами ишлаб чиқариш харажатлари 2009 йилдаги 49827,5 минг сўмдан 2011 йилда 69239.1 минг сўмгача ўзгарган.

Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида маҳаллий ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш йўлга қўйилмоқда.

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида пахта етиштириш таннархи таркибида бўлиб, жумладан, пахта етиштириш таннархи таркибида механизация хизматлари сарфи 28-35 %ни ташкил этмоқда. Шунинг учун ҳам техника ва ёқилғи сарфини камайитириш махсулот даромадини оширишда таъсир кўрсатадиган амалдир. Ҳисоб-китоблар кўрсатишича, пахтачилик соҳасида ерга ишлов бериш техникасидан фойдаланиш фермернинг даромадининг 10-15 фоизга ортишига олиб келади. Жумладан, ерни чуқур оғдариб ҳайдалмасдан отвалсиз тунар билан ҳайдаш ҳисобига ёқилғи сарфи 2 техниканинг иш унумдорлиги эса 1,5 баробаригача ортиши мумкин

Маълумки пахтачиликда маҳсулот ҳажмини кўпайтириш, сифатини яхшилаш кўп жиҳатдан минерал ўғитлар билан ўз вақтида ва етарли миқдорда таъминланиши, уларни қўллашда аниқ асосланган меъёрларга амалга қилишга боғлиқ.

Бизга яхши маълумки, пахтачиликда моддий ресурсларнинг ортиқча сарфига йўл қўйишда, моддий сарфлар ҳисобини тўғри ташкил этмаслик, унумдорлиги паст ерда жойлашган пахта ва ғалла етиштирувчи фермерлар ҳосилдорликни инобатга олмай, минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари ва бошқа ресурслар сарф қилишга сабаб бўлмоқда. Натижада ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда ишловчи хўжаликлар йил якуни бўйича зарар кўришига олиб келади.

9-жадвалда Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигини тумандаги Олтинкўл тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма иқтисодий курсаткичлари акс эттирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Машъал меҳригиёси фермер хўжалигининг пахта етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги Андижон туманидаги нисбатан анча юқори. Фермер хўжалиги Олтинкўл туманига нисбатан бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам яхши натижаларга эришган. Жумладан, бир гектарга ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фойда кўрсаткичлари ҳам фермер хўжалигида Олтинкўл туманига нисбатан мос ҳолда +1,04 ва +1,5 мартага юқори.

Хулоса қилиб айтганда Орол гулшани фермер хўжалиги Олтинкўл туманидаги барқарор ривожланаётган фермер хўжаликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин, фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлан тириш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд.

10- жадвалда Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги акс эттирилган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики охириги уч йилда буғдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги кўтарилиб борган. Яъни буғдой ишлаб чиқаришнинг асосий якунловчи иқтисодий кўрсаткичи бўлган

**Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигини
Олтинкўл тумани билан пахта етиштиришнинг солиштирма
иқтисодий кўрсаткичлари**

9-жадвал

	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Олтинкўл туманидаги фермер хўжалиги	Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги	%
	Экин майдони	га.	5936	34	X
	Хосилдорлик	ц\га	36	37	102,8
	Ялпи хосил	ц	213696	1258	X
	Ишлаб чиқар харажат	м.с	12460613,8	69239,1	X
	1ц пахтани таннари	сум	58310	55039	94,4
	1ц пахтани сотиш баҳоси	сум	67550	68750	101,8
	Ялпи маҳсулот	м.с	14435164,8	86487,5	X
	Фойда	м.с	1974551,0	17248,4	X
	1 га хисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2431,8	2543,8	104,6
	б) фойда	м.с	332,6	507,3	152,5
	Рентабеллик	%	15,8	24,9	+9,1

рентабеллик 39,9 фоиздан 44,6 фоизга ёки +4,6 даражага кўтарилган. Бунинг асосий сабаби ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш харажатларига қараганда устун даражада ўсишидир.

Ундан ташқари фермер хўжалигини бошқа хусусий кўрсаткичлар ҳам охириги уч йилда кескин яхшиланган. Жумладан, бир ходим ҳисобига тўғри

келадиган ялпи маҳсулот қиймати 1,77 мартага ошган. Лекин, Машғал меҳригиёси фермер хўжалигини бугдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлигини ҳали талаб даражасидан анча паст. Уни камида 55-60 фоизга кўтариш чораларини кўриш керак. Акс ҳолда фермер хўжалиги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга тўла эга бўлмайди.

***Олтинкўл туманидаги Машғал меҳригиёси фермер хўжалигида
бугдой ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги***

10-жадвал

№	Курсаткичлар.	Ўлчов бир лиги	2009й	2010й	2011 й	2011 йилда 2009 йилга нисбатан
1	Экин майдони	га	26,5	32,5	28,5	107,5
2	Хосилдорлик	ц\га	56	62	66	117,9
3	Ялпи хосил	ц	1484,0	2015,0	1881,0	126,8
4	Ишлаб чиқариш харажатлари.	м.с	23951,8	37579,8	41476,1	173,2
	Шундан: -иш хаки	м.с	7664,6	10522,3	9954,3	129,9
5	Ходимлар сони	нафар	5,0	6,0	5,0	100,0
6	Ялпи маҳсулот	м.с	33517,6	53192,0	61640,4	183,9
7	Фойда	м.с	9565,9	15612,2	20164,3	210,8
9	1ц бугдойни таннархи	сум	16140	18650	22050,0	136,6
10	1ц бугдойни сотиш бахоси	сум	22586	26398	32770,0	145,1
11	1 га хисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	1264,8	1636,7	2162,8	171,0
	б) фойда	м.с	361,0	480,4	707,5	196,0
12	1 ходим хисобига:					
	а) ялпи маҳсулот	м.с	6703,5	8865,3	12328,1	183,9
	б) иш хаки	м.с	1532,9	1753,7	1990,9	129,9
13	Рентабеллик	%	39,9	41,5	48,6	+8,7

11-жадвалда Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида буғдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби акс эттирилган.

***Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида
буғдой етиштиришнинг харажатлари ва уларнинг таркиби***

11-жадвал

№	Харажатлар турлари	2009 йил		2010 йил		2011 йил	
		М.с	%	М.с	%	М.с	%
1	Моддий харажатлар	13413	56	22923,6	61	26129,9	63
	а) уруғлик	1796,4	7,5	3758,0	10	4562,4	11
	б) ўғитлар	4790,4	20	7891,7	21	8295,2	20
	с) Ё.М.М	4550,8	19	7140,2	19	8710,0	21
	д) иш ва хизматлар	1556,9	6,5	3006,4	8	2903,3	7
	е) бошқа моддий харажатлар	718,6	3	1127,4	3	1659,0	4
2	Меҳнат ҳақи харажат	7664,6	32	10522,3	28	9954,3	24
3	Ижтимоий ажратма	718,6	3	1503,2	4	1659,0	4
4	Асосий воситалар ва номоддий активларнинг эскириши	958,1	4	1127,4	3	1659,0	4
5	Бошқа харажатлар	1197,6	5	1503,2	4	2073,8	5
	Жами харажатлар	23951,8	100	37579,8	100	41476,1	100

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хўжаликда охириги 3 йилда ишлаб чиқариш харажатлардаги моддий харажатларнинг улуши анча кўтарилган. Бу ижобий ҳолат ҳисобланади. Сабаби моддий харажатлар таркибига пахта ҳосилдорлигига бевосита таъсир кўрсатувчи омилларга киради. Улар жумласига уруғлик, ўғитлар, ёнилғи мойлаш материаллари ва иш ва хизматлар киради.

12-жадвалда Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хужалигини туманидаги Олтинкўл тумани билан бугдой етиштиришнинг солиштирма иктисодий курсаткичлари акс эттирилган.

***Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хужалигини
Олтинкўл тумани билан бугдой етиштиришнинг солиштирма
иктисодий курсаткичи***

12-жадвал

	Курсаткичлар	Улчов бирлиги	Олтинкўл туманидаги фермер хўжалиги	Машъал меҳригиёси фермер хужалиги	%
	Экин майдони	га.	4765	28,5	X
	Ҳосилдорлик	ц\га	66,1	66	99,8
	Ялпи ҳосил	ц	314966,5	1881	X
	Ишлаб чиқар харажат	м.с	7118242,9	41476,1	X
	1ц бугдойни таннархи	сум	22600	22050	97,6
	1ц бугдойни сотиш баҳоси	сум	31300	32770	104,7
	Ялпи маҳсулот	м.с	9858451,5	61640,4	X
	Фойда	м.с	2740208,6	20164,3	X
	1 га ҳисобига:				
	а) ялпи маҳсулот	м.с	2068,9	2162,8	104,5
	б) фойда	м.с	575,1	707,5	123,0
	Рентабеллик	%	38,5	48,6	+10,1

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики Машъал меҳригиёси фермер хўжалигининг буғдой етиштириш бўйича иқтисодий самарадорлиги Олтинкўл туманига нисбатан анча юқоридир. Буни биз иқтисодий самарадорликнинг кўрсаткичи бўлган рентабелликнинг +10,1 даражага юқорилигидан яққол кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалиги Олтинкўл туманига нисбатан бошқа кўрсаткичлар бўйича ҳам яхши натижаларга эришган. Жумладан, бир гектарга ҳисобига олинган ялпи маҳсулот, фойда кўрсаткичлари ҳам фермер хўжалигида Олтинкўл туманига нисбатан мос ҳолда 1,04 ва 1,23 мартага юқори.

Хулоса қилиб айтганда Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги Олтинкўл туманидаги барқарор ривожланаётган фермер хўжаликлардан бири бўлиб ҳисобланади. Лекин, фермер хўжалигини иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича ҳали фойдаланилмаган имкониятлари мавжуд.

4. Олтинкўл туманидаги «Машъал меҳригиёси» фермер

хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг

иқтисодий самарадорлигини ошириш.

Бозор иқтисодиёти шароитига ўтиш жараёнида замонавий бозор механизмини яратиш кундалик ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг долзарб муаммоларини ҳал қилиш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боришни тақазо этади. Бу соҳада янгича ёндашувнинг ўзига хослиги шундан иборатки, бозорни шакллантиришда фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари мажмуини ҳал қилиш имкониятини берувчи усуллардан фойдаланишни назарда тутди.

Аввало бозор бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи кўпдан-кўп фермер хўжаликларида ва уларнинг (маҳсулотларнинг) харидорлари ўртасида рақобат бўлган шароитдагина ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш мумкин. Шунинг таъсирида ишбилармонлик ва тадбиркорлик ривожланиши учун кенг йўл очилади. Бу эса ўз навбатида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш рақобатни юзага келтиради. Рақобат бу эркин ишлаб чиқарувчилар ўртасида бозорда ўзини мустахкам ўрни ва мақеига эга бўлиш, мумкин қадар кўпроқ маҳсулот сотиш учун тинимсиз давом этадиган курашдир. Бунинг асосий мезонлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш ва унинг тури ҳамда мавсумийлигидир.

Рентабелликни ошириш омиллари деганда энг аввало фойда омиллари тушунилади. Фойда омиллари 2 гуруҳга бўлинади.

1. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ ва субъектив хусусиятига эга бўлган ички омиллар.

2. Маҳсулот ишлаб чиқарувчига боғлиқ бўлмаган ва объектив хусусиятига эга бўлган ташқи омиллар.

Ички омилларга сотиладиган маҳсулот миқдори, унинг сифати, ишлаб чиқариш харажатлари киради. Сотиладиган маҳсулот миқдори ялпи маҳсулот ҳажмига ва унинг товарлилик даражасига боғлиқ. Ялпи маҳсулот ҳажмининг ўсишида сотишга мўлжалланган маҳсулотнинг миқдори мутлақ кўпаяди.

Шунингдек, унинг ишлаб чиқариш ички истеъмолига кетадиган қисмининг ўсиши нисбий кўпаяди. Ялпи маҳсулотнинг ана шу ички истеъмолга кетадиган қисми ўсиш суръатининг пасайиши товарлилик даражасининг ошишига ваз у асосда пул тушумининг кўпайишига шароит яратади. Юқори сифатли маҳсулот аяя юқори сотиш бҳосининг таъминлангани учун, маҳсулот сифати пул тушуми орқали Фойда миқдорига таъсир кўрсатади.

Пул тушуми миқдори маҳсулотни сотиш муддатларига, сотиш бозорига ва унинг таркибига, бундан ташқари, сотиш каналарига ҳам боғлиқ. Унинг давлатгами, матлубот кооперациясигами ёки бозоргами сотилиши ҳам алоҳида аҳамиятган эга.

Фойданинг муҳим омилларидан бири маҳсулот таннархидир. Ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши ёки ошиши фойда миқдорига анча сезиларли таъсир кўрсатади.

Ташқи омиллар маҳсулотни ишлаб чиқарувчилар таклифи ва улар уртасидаги рақобат, маҳсулотга бўлган бозор талаби кабилар киради. У ёки маҳсулотга юқори ёки паст талаб, шунингдек, рақобатчиларнинг мавжудлиги ё бўлмаса, қатнашмасилиги, сотиладиган миқдори, баҳо даражасига ва пировард натижада фойдага таъсир қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги омиллари экстенсив ва интенсив хусусиятига эга. Экстенсив омиллар-бу рентабелликка сотилаётган маҳсулотнинг миқдоридаги ўзгаришлар орқали таъсир кўрсатувчи омиллардир. Интенсив омиллар-сотиш баҳоларига ўсиш ва маҳсулотот таннархининг пасайиши орқали таъсир кўрсатадиган омилларидир.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг рентабеллик кўрсаткичлари йиллар бўйича оз ёки миқдорда тебраниб туради, бу ҳам бўлса маҳсулот таннархи ва баҳонинг ўзгариши оқибатидадир. Шунинг учун рентабеллик динамикаси тенденциясини таҳлил этганда шунингдек, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш қулайлигини иқтисодий асослаш пайтида бир неча йиллардаги баҳолар кўрсаткичида сотилган маҳсулотнинг миқдори ва

сифати тўғрисида ўртача маълумотлар акс этади, маҳсулот бирлигининг ўртача кўпайиллик таннархида эса, иқлим шароити ва ишлаб чиқариш шароитлардаги ўзгаришлар таъсири акс этади. Бир ва бир турдаги маҳсулотларнинг катор йиллардаги ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш шу турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўзгаришидаги барқарор тенденциялар ҳақида объектив маълумотлар олиш имкониятини беради; турли хилдаги маҳсулотлар ўртача рентабеллик кўрсаткичларини таққослаш эса, қайси турдаги маҳсулот қулароқ, даромадлироқ эканлиги тўғрисида фикр юритишга имкон беради.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини ошириш имкониятларини аниқлаш, бир томондан, маҳсулот сотишдан келган пул тушумининг кўпайтириш имкониятларини аниқлаш бошқа томондан маҳсулот таннархини пасайтириш имкониятлардан тўлароқ фойдаланишни талаб этади.

Ўзбекистонда серунум ер ва айниқса сув ресурслари чегараланган. Мавжуд ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, биринчи навбатда ҳар бир гектар пахтадан олинадиган ҳосилдорликни ошириш ҳисобига эришилади.

Республикамизда олиб борилган оқилона дастурлар орқали охирги 20 йилда яъни 2010 йилда 1990 йилга нисбатан пахта ҳосилдорлиги гектарига 22,6 центнердан 25,6 центнерга ёки 113,3 фоизга ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармониغا асосан, давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хомашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ, 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта

учун тўланадиган харид нархлари оширилди. Шу орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бир мунча юқори эканини инобатга олган ҳолда, нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликларига тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил давомида фермер хўжаликларига йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 403315 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюнктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олиши учун янги имкониятлар очади.

Ҳосилдорликни ошириш комплекс агротехнологик жараёнларни сифатли ва қисқа муддатларда бажариш билан боғлиқ. Тармоқни ташкил этишнинг барча давларида ва истиқболида ҳам ҳосил олиш учун қуйидаги имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Пахтачиликнинг хусусиятларини ҳисобга олиб даставвал алмашлаб экишни илмий асосда амалга ошириш лозим. Узоқ йиллар ғўза беда алмашлаб экиш тавсия этилган эди. Натижада тупроқ унумдорлиги сақланади, экиш майдонлари бегона ўтлардан ва касалликлардан тозаланади.

Уларнинг шўрланиш даражаси пасаяди ва х.к. Мустақил ривожланиш йилларида ғўза –дон, ем-зашак ва бошқа экинлар билан алмашлаб экиш ҳам амалга оширилмоқда. Ҳосилдорлик селекция ва уруғчилик ишларининг ҳолатига ҳам боғлиқ. Республикада хўжаликларида давлат нав синовидн ўтган, тупроқ-иқлим шароитига мос навлар экилади. Селекционер олимлар ва мутахассислар томонидан яратилган Тошкент-6, С-6530, Бухоро-6, Оқдарё-6,7, Навбахор, Юлдуз, меҳр , Андижон 35 ва бошқа навлар илмий асосланган ва технологик жиҳатдан жорий этилган 35-50 ц ва ундан юқори ҳосил бериш потенциал имкониятига эга. Уруғчилик хўжаликларида элита, товар хўжаликларида 1 ва 2 класс уруғларни экиш учун шароит яратилган.

Ҳайдалма қатлами қалин бўлган тупроқли ерларда шудгор чуқурлиги 30-35 см бўлиши тавсия этилган. Бундай тупроқларда 4-5 йил оралиғида 45-50 см чуқурликда, йилига 30 см чуқурликда шудгорланса, Хосилдорликка оптимал шароит яратилган. Чигитни пуштага, плёнка остига ва қўшқаторлаб экиш ҳосилдордикни оширади, унинг эрта пишиб етилишига беради.

Минерал ва маҳаллий ўғитлардан илмий асосланган меъёр ва муддатларда фойдаланилса, ғўзанинг ривожланиши жадаллашади, кўсакларнинг етилиши тезлашади. Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, бир тонна пахта етиштириш учун ўрта ҳисобда 50-60 кг азот, 15-20 кг фосфор, 50-60 кг калий сарфланади. Улар органик ўғитлар билан бирга қўланилганда, минерал ўғитларнинг иқтисодий самарадорлигини анча юқори бўлади. Эскидан пахта экиладиган майдонларда ҳар 3-4 йилда бир марта 20-30 тонна гўнг солиш яхши самара беради.

Ќўзани озиклантиришда минерал ўғитларга чириган ва эланган гўнг аралаштирилади. Бунда 1 кг аммиакли селитрага 2-2,5 кг суперфосфатга 6-7 кг, 1 кг аммофосга 1,5-2 кг гўнг қўшиш юқори самара беради.

Органик ўғитлар пахтачиликнинг барча микроэлементларга бўлган талабини қондиришни ҳам кучайтиради. Сифатли ҳосил олиш ғуза касаликлари (илдиз чириш, гоммоз, вилт ва бошқа)га ва заракунандалари (ғуза бити, ўргамчаккана, кародрина ва бошқа)га қарши кураш, ғўзани дефоляция ва десикация қилиш ҳосилни қўлда ҳамда машинада теришни белгиланган қисқа муддатларда бажариш билан бевосита боғлиқ.

Ваҳолинки, юқорида кўратилган технологик жараёнлар айрим корхоналарда турли даражада бажарилади, бинобарин, гектаридан олинадиган ҳосилдорлик ҳам мос равишда фарқ қилади. Бу кўрсаткичга табиий объектив омиллар ҳам таъсир этади, албатта. Бунда асосий вазифа тармоқни интенсив ривожлантириш имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш кўпроқ сифатлироқ ва пахта етиштиришнинг рентабеллигини оптимал даражага етказишдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот бирлиги таннарини пасайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Ваҳоланки, мустақил ривожланиш

йиларида барча турдаги корхоналарда 1 ц пахта хом ашёси таннархининг кўтарилиши кузатилмоқда. Бундай жараён пахтачиликда ишатиладиган тракторлар ва бошқа асосий воситаларга, энергетик ресурсларга, минерал ўғитларга ва бошқа айланма воситаларга кўтара ҳамда чакана баҳоларнинг ошиши, номинал брутто меҳнат ҳақи фонди, ундан ажратмалар ва солиқлар ҳисобига содир бўлмоқда.

Пахтачилик сермеҳнат, бинобарин меҳнат ҳақи кўп сарфланадиган тармоқ. Тармоқ 60 дан кўпроқ жараён бажарилади. Жами киши / соатида сарфлаёнган меҳнатнинг 90% дан кўпроғи қўл воситалари билан бажарилган вақтга тўғри келади. Бунда машиналар ёрдамида бажарилган вақтга нисбатан 1,5-2 марта кўп меҳнат ҳақи тўланади. Аммо кам унумли қўл меҳнатининг камайиши ҳисобига унинг унумдорлиги пасаяди, натижада маҳсулот бирлиги таннархи кўтарилади.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, республикада мустақил ривожланиш йилларида 1 ц пахтага бевосита сарфланган киши/соати 1,7 марта кўпайган. Бундай жараён пахтачиликда энг сермеҳнат жараён, ҳосилни терим машиналари ёрдамида йиғиб олишнинг кескин пасайиб кетиши ҳисобига содир бўлди.

Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари бўйича тўпланган маълумотларни таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр-мулоҳазаларга ва хулосаларга келдик.

1. Жаҳон инқирози шароитида фермер хўжалигини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини янада ошириш мақсадида уни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш, кимёлаштириш ва деҳқончилик маданиятини кўтариш каби асосий омилларга эътиборни кучайтириш лозим. Бу фермер хўжалигига ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан ялпи маҳсулотни ва даромадларни устун даражада ўсишини таъминлаб уни баркарор ривожланиши учун мустаҳкам замин яратади.

2. Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигини жадал ривожлантириш асосида пахта ва дон етиштириш бўйича иқтисодий самарадорликни мунтазам ошиб боришига эришилмоқда. Лекин, бу ҳали фермер хўжалиги имкониятлари даражасидан анча пастдир. Айниқса рентабелликни сифат жиҳатдан янада яхшиланишига эътиборни қаратиш лозим

3. Фермер хўжалигида самарали технологияларни қўллаш асосида пахта ва ғалла ҳосилдорлигини янада кўтариш имкониятлари мавжуд. Жумладан, чигитни плёнка остига экиш, ғўза кўчат қалинлигини белгиланган меъёрлар даражасига етказиш, минерал ўғитлардан табақалаштирилган усулда фойда ланиш ва деҳқончилик маданиятини кўтариш асосида улар ҳосилдорлигини камида мос ҳолда 40-45 ва 65-70 центнерга етказиш керак.

4. Хўжаликда самарадорликнинг оширилиши кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш ҳаражатларининг таркиби яхшиланишига ҳам боғлиқдир. Агар моддий ҳаражатлар таркибига экинлар ҳосилдорлигига бевосита таъсир қилувчи уруғлик, ўғитлар, ЁММ, иш ва ҳизматлар кириши ҳисобга олинса уларни ҳиссасини янада ортишига эътиборни кучайтириш зарур.

5. Президентимиз 2012 йилнинг устивор йўналишларига тўхталиб фермер хўжаликларидан ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлади. Шунинг ҳисобга олиб фермер хўжалигини янги техника ва технологиялари билан таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этилишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Фермер хўжалигида энг самарали техника ва технологиялардан фойдаланишга алоҳида эътибор берилиб бу соҳада яхши натижаларга эришилган. Буни биз фермер хўжалигида иқтисодий самарадорликнинг асосий кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасини кескин кўтарилиб бораётганидан яққол кўришимиз мумкин.

Фермер хўжалигида эришилган пахта етиштириш рентабеллик ҳозирча оптимал даражадан паст, лекин бу соҳада олиб борилаётган ишлар тўла амалга оширилса рентабеллик даражаси оптимал даражага етади ва фермер хўжалигида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни белгиланган суръатларда амалга ошириш учун зарур бўлган молиявий маблағларга эга бўлиш имкониятини беради.

Хўжаликда харажатлардан тежаб-тергаб фойдаланишга алоҳида эътибор берилади. Бу соҳада фермер хўжалиги бошлиғининг ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги ҳам алоҳида ўрин тутади. У мавжуд ресурслардан тўғри ва оўилона фойдаланишга алоҳида эътибор беради ва уни иқтисодий жижатдан қаттиқ назорат қилади. Фермер хўжалигини бошлиғи тажрибали иқтисодчи-бухгалтер сифатида ўз касбини малакали ва тажрибали мутухасиси бўлиб ҳисобланади. У фермер хўжалигида пахта етиштириш жараёнида янги технологиялардан самарали фойдаланишга, ҳамда даромад келтирмайди ган харажатлардан фойдаланишни қисқартиришни ва олинадиган фойдани хажмини кўпайтиришга мунтазам ҳаракат қилади.

Шу билан бир қаторда фермер хўжалиги олдида бошқаришнинг иқтисодий усулларида фойдаланишни янада такомиллаштириш ва иқтисодий самарадорликни ошириш бўйича бир қатор вазифалар мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш асосида уни техник-технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш зарур. Бу фермер

хўжалигида агротехник чора-тадбирларни камида 80 фоизини ўз кучи билан амалга ошириш имконияти яратади.

2. Фермер хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш асосида уни кўп тармоқли бакувват хўжалик юритиш шаклига айлантириш керак. Жумладан, фермер хўжалиги қошида қўшимча ишлаб чиқариш тармоқларини ва хизмат кўрсатишга тааллуқли бўлган микрофирмаларни ташкил этишни йўлга қўйиш зарур.

3. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнини самарали амалга оширилиши ходимларни касбий тайёргарликларини ва маълумотини кескин яхшиланишини талаб этади. Ундан ташқари хўжаликда банд бўлган ходимларнинг бир-бирига яқин бўлган камида 4-6 та қўшимча касбларни эгаллашларини таъминлаш керак.

4. Хўжалик аъзоларининг нафақат техник-технологик соҳалардаги балки иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ва амалий кўникмаларини мустаҳкамлашга ҳам эришиш керак. Бу соҳада жойларда мақсадли ўқишларни ва семинарларни мунтазам ва самарали ташкил этилиши ҳам яхши натижа бериши мумкин.

Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида юқоридаги масалаларни ижобий ҳал этилиши уни иқтисодий жихатдан ривожлантириш имкониятини беради.

Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалигида бошқаришнинг иқтисодий усулларини қўллаш бўйича тажрибаларни ўрганиш ва бу соҳада мавжуд бўлган камчиларни таҳлил этиш асосида қўйидаги фикр мулоҳазаларга келдик.

Хўжаликда қўлланилаётган иқтисодий усулларининг самарадорлиги нисбатан олганда талаб даражасидан паст бўлиб хўжаликда улардан самарали фойдаланиш асосида хўжаликни иқтисодий мустақиллигини таъминлаш чора тадбирларини кўриш лозим.

Аввало хўжаликни тежаб-тергаб юритишга этибор бериш зарур. Хўжаликда қилинган ҳар қандай харажат даромад келтирсагина ўзини

оқлайди. Демак фермер хўжалигида харажатларни даромадлар билан таққослаш асосидагина қарорлар қабул қилиниши керак.

Бу соҳада ер бирлиги ҳисобига фойда олинадиган фойда хажмига ҳам эътибор бериш лозим. Яъни фойда хажми кескин оширилиши асосида рентабелликни камида 35 фоизга кўтарилишини таъминлашни чора-тадбирларини кўриш керак. Фермер хўжалигида пахта ва ғалла ҳосилдорлигини ошириш имкониятлари ҳам мавжуд. Ҳозирги кунда фермер хўжалигида пахта ҳосилдорлиги 37,0 ва буғдой ҳосилдорлиги 66,0 центнерни ташкил этиб уларни хўжаликда мос ҳолда 40-45 ва 70-80 центнерга кўтариш мумкин. Агар хўжаликда пахта ва дон етиштириш бўйича янги технологиялардан фойдаланилса бу кўрсаткичлар янада юқори бўлиши мумкин.

Бизни фикримизча юқоридаги тадбирларни самарали амалга ошириш мақсадида Олтинкўл туманидаги Машъал меҳригиёси фермер хўжалиги ўзининг бу соҳадаги истиқболли дастурни ишлаб чиқиб барча ишларни уни асосида амалга оширилиши яхши самара бериши мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 й
2. Ўзбекистон Республикасининг ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
10. И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил
11. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда

иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Халқ сўзи 29.01.2010.

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади». Халқ сўзи 21.01.2011 й

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг мухим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси Халқ сўзи 19.01.2012 й

14. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Тошкент «Ўзбекистон» 2009 йил.

15. Каримов И.А. “2012 йил - ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” Тошкент «Ўзбекистон» 2012 йил.

16. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш асослари. Ўзбекистон Республикаси ФА «Фан» нашриёти Т.: 2003 йил.

17. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги. Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тугрисида Низом. Тошкент. 2005 йил.

18. Аграр соҳада ислохотларни янада чуқурлаштириш муаммолари ва ечимлари. Т.: «Мехнат» 2002 йил.

19. Олимжонов О., Фармонов Т ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т., Университет 2005 йил.

- 20.Файзиев А. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришти ташкил этиш Самарқанд. 2004 йил.
- 21.Хошимов З.Ю. Фермер хўжаликларининг муаммолари ва ривожлантириш истиқболлари. Т. 2004 йил.
- 22.Сатторов И.О. Фермер хўжаликларини техника билан таъминлаишда лизинг тизимининг ахамияти. Т. 2004 йил.
- 23.А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти биринчи ва иккинчи нашри (дарслик). Тошкент, 2004й .2010й.
- 24.Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.
- 25.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.
- 26.Зокиров О ва бошқалар. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти Т.2005 йил
- 27.Умрзаков Ў.П. ва бошқалар. Фермер хўжалиги иқтисодиёти Т. 2005 йил. (лотин ёзувида)
- 28.А.Исмоилов, О.Муртазаев Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти. Дарслик Самарқанд-2005 йил
- 29.Олтинкўл туманидаги Машғал меҳригиёси фермер хўжалигининг 2009-2011 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.